




# XASR



ИЖТИМОИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чоқиб бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

№ 26

2011 йил 30 июнь, пайшанба

26 (398)-сон,

E-mail: axborot@xasr.org



Концепцияда жами 21 та янги қонун, 5 та янги таҳрирдаги қонун, 2 та миллий дастур ва амалдаги қонунларга 25 та қўшимча ва ўзгартиш киритиш ташаббуси илгари сурилди



Жорий йилнинг январь-май ойларида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 триллион 486 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди



Ҳаёт ҳақиқати оммавий ахборот воситаларидан ҳам турли мақсадларда фойдаланиш, уларни зағулик ёки ёвузлик кууролига айлантириш мумкинлигини исботламоқда.

03 КОНЦЕПЦИЯ

06 ИСЛОҲОТ

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИДА ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ҲАМДА МОЛИЯ ВАЗИРЛИКЛАРИНИНГ «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЁТИШТИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ



Салим ЗОИР олган суратлар



## Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун масъулмиз

Юртбошимиз «Мен касбиликларни жуда ҳурмат қиламан. Улар билан учраша олмадим, уларга менинг саломимни етказиб қўясиз!» — деганларида қалбим тоғдай кўтарилди, — дейди Касби туманидаги «Юрт ризқи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, O'zLiDeP туман кенгаши раиси Н. Худойбердиев

Президентимиз Ислам Каримов вилоятимизда бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бо-риши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишганларида қишлоқ хўжалиги ходимлари билан ҳам учрашиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар. Ватанга садоқат, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, одамларнинг бахтли эртаси учун жон куйдириш фаолиятимиз асосига айланиши зарурлигини қайта-қайта

такрорладилар. Мен Қашқадарёлик минг-минглаб тадбиркорларнинг бири сифатида Юртбошимизга амалга оширилаётган ишларимиз, келажак режалар ҳақида тўққинлиб гапириб бердим. Мулоқот чоғида туманимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, ёшларни иш билан таъминлаш учун жон куйдириш тадбиркор ва ишбилармонларнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканини яна бир қарра ҳис этдим.

## Кўмита вазирлар ҳисоботини эшитди

Кўмита раҳбари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Тешабоевнинг таъкидлашча, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш имкониятини янада кенгайтириш билан бирга давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини яхшилаш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтиради.

Навбатдаги парламент эшитуви ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 ва кейинги йилларга мўлжалланган дастури доирасида ташкил этилди. Йиғилишда бутун дунёда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг ошиши кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи белгиланган режалар асосида изчил ҳал этилаётгани

алоҳида тилга олинди.

Вазирлик ва кўмиталар, уюшма ва компаниялар, молия муассасалари мутасаддилари иштирок этган тадбирда дастлаб қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зафар Рўзиевнинг ахбороти тингланди.

Маърузачи таъкидлаганидек, 2008 йилдан бошлаб пахта майдонлари 75 минг гектарга қисқартирилиб, шунча майдонда сабзавот, полиз ва картошка экила бошлангани ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятини кен-

гайтиришда ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.

1991 йилда аҳоли жон бошига 138,6 килограмм сабзавот тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 225 килограммни ташкил қилди. Шу давр оралиғида картошка етиштириш 15,1 килограммдан 60,5 килограммга, мева етиштириш 24 килограммдан 60,1 килограммга ошди. Сут эса мос равишда 168 килограммдан 220 килограммга ортди.

## Ҳокимиятлар мувозанати

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳокимиятлар мувозанатининг таъминланиши барқарорлик кафолати бўлиб, унга тўла амал қилиш ваколатлар суиистеъмолига тўсик қўяди, фуқароларни мансабдор шахслар тазйиқидан ҳимоя қилиб, бошқарув идоралари зиммасидаги масъулиятни оширади.

Шу билан бирга ҳокимиятлар ваколатларининг оқилона тақсимланиши давлат тузилмаларининг фаолиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг юртишига, энг муҳими, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, яъни жамиятда қонунийликнинг таъминланишига кафолат бўлиб хизмат қилади. Мазкур тамойил моҳияти ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи қолган икки ҳокимият субъектларининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши ва бу қонданнинг конституциявий механизмлари яратилиши билан белгиланади, албатта.

Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан иш-

лаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини ўрганар эканмиз, унда ўта муҳим бир масалага, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказ ҳамда жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш гоёта долзарб вазифа сифатида белгилаб берилганига амин бўламиз.

## Қарор қатъий, ижро таъминланади

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва дастурий таъминот бозорини ривожлантириш тўғрисидаги масала юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят бўлими раҳбари Ҳаким Мамедов ҳисоботини вилоят кенгашининг XI сессияси муҳокамасига киритди.



Маълумки, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланганлик даражаси унинг ахборот ва телекоммуникация индустрияси нечоғлиқ тараққий этгани билан белгиланади. Чунки дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириши баробарида, унинг интеллектуал имкониятларига ҳам баҳо берувчи омилдир. Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технология жihatдан янгилаш масала-

сига бирламчи эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам ана шунда. Мазкур соҳанинг иқтисодийнинг бошқа тармоқлари билан чамбарчас боғлиқлиги эса унинг аҳамиятини янада оширади. Ана шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз Сайловолди дастурида илгари сурган мақсадлар асосида ахборот ва дастурий таъминот бозорини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда.

## Матбуот фуқаролик жамияти устунидир

Юртбошимизнинг 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган табригида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш масаласига яна бир қарра эътибор қаратилгани бежиз эмас, албатта.

Чунки жамоатчилик назорати қонунийлик, демократия, шаффоқлик, ахборот очиқлиги, холислик ва ихтиёрийлик таъминланишига асосланиб, жамиятда адолат мезонини сақлаш, шахс ва жамият манфаатларини таъсирчан ҳимоялашга қаратилган оммавий ҳаракатдир. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти ус-

тидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолаётгани» ҳақидаги фикрлари айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 28 ИЮНДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	↓ 1785,44	1 АҚШ доллари	↑ 1713,80	1 Ҳитой юани	↑ 264,66	1 Туркия лираси	↓ 1044,05	1 Япония йенаси	↓ 212,24
1 Англия фунт стерлинги	↓ 2730,08	1 Миср фунти	↓ 287,60	1 Малайзия ринггити	↑ 560,34	1 Швейцария франки	↑ 2047,06	1 Россия рубли	↓ 60,85
1 Дания кронаси	↓ 324,72	1 Исландия кронаси	↓ 14,70	1 Польша злотийси	↓ 606,61	1 ЕВРО	↑ 2451,01	1 Украина гривнаси	↑ 214,95
1 БАА дирҳами	↑ 466,62	1 Канада доллари	↓ 1729,89	1 СДР	↓ 2724,03	1 Жанубий Корея вон	↑ 15,78		

## Қарор қатъий, ижро таъминланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,  
«XXI ASR»

Партия вакиллари фикрича, бугун республикамиз иқтисодийни янгилаш вазифаси кун тартибига қўйилаётган экан, бунда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришдан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Негаки, ушбу соҳа иқтисодий тараққиёт даражасини таъминлашда ўзига хос локомотив вазифасини ўтайди. Шу боисдан ҳам О'зЛиДеР фракцияси томонидан бундан бир неча ой муқаддам ахборот ва коммуникация технологиялари тизимида олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолати, ютуқ ҳамда муаммолар парламент эшитиш давомида муҳокама қилинган эди. Мазкур эшитишда сўнг, фракция аъзолари соҳада амалга оширилаётган ишларни ҳудудлар кесимида ўрганиш ва унинг натижалари бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам яхши самара бериши мумкин, деган қарорга келдилар. О'зЛиДеР Жиззах вилояти кенгашидаги депутатлик гуруҳининг мазкур ташаббуси ҳам ана шу ишлар самарасидир.

Ҳўш, 1 миллион 100 минг нафарга яқин аҳоли истиқолат қилаётган вилоятда мазкур соҳада олиб борилаётган ишларнинг бугунги ҳолатидан қониқиб қилиш мумкинми? Бунда маҳаллий давлат бошқаруви органлари қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини етарли даражада таъминлаётганми? Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуғи ва уларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар қай аҳволда? Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши сессиясида асосан ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламент ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига муносабат билдирилганидан кейин, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳам барча тузилмалари олдига ўз фаолиятини қайта қўриб чиқиш талабини қўйди. Ушбу маърузада алоҳида таъкидланганидек, «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партиясиз гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар иқтисодий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларини ҳал этиш ишига партиясиз гуруҳларнинг таъсирини ошириш даркорлигидан келиб чиқиб, О'зЛиДеР ўз иш режаси ва ҳаракат дастурларига ўзгартириш

лар киритди. Бунда, энг аввало, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлар масъулиятини ошириш лозимлиги белгилаб олинди. Натижада ўтган давр мобайнида жойлардаги депутатлар фаолиги ва ташаббускорлиги ошииб, сессиялар кун тартибига ҳудудлардаги иқтисодий-иқтисодий дастурларнинг ижроси билан боғлиқ долзарб масалалар киритила бошланди.

— Аввалига бу масала Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 32 нафар депутатимиз томонидан ўрганиб чиқилди, — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши раиси Эркин Ҳолматов. — Натижада таълим муассасаларида интернет хизматини жорий этиш, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларда интернет хизматлари кўрсатиш, Tas-IX тармоғига кириш, «E-Hujjat» электрон ҳужжат алмашиuvi тизимини ўрнатиш ва рақамли имзо билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётгани маълум бўлди. Шу билан бирга давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларининг иш унумдорлигини ошириш, иш вақти ҳамда моддий ресурслар харажатини кескин қисқартириш, соҳада партия электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳамда шу орқали дастурий таъминот бозорини ривожлантириш масалаларида қатор камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқлаштирилди. Шу боис депутатларимиз мазкур масалани вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқишга қарор қилдилар.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг 57 нафар депутати қатнашган сессияда агентликнинг вилоят бўлими раҳбари Ҳасим Мамедовнинг ҳисоботи тингланди.

— Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам ижобий натижалар бермоқда, — деди Х.Мамедов. — Бунда, айниқса, соҳани ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик асослари яратилгани муҳим аҳамият касб этди. Шу кунгача соҳага оид 11 та қонун, 40 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари қабул қилинган алоқа ва ахборотлаштириш йўналишини жаҳон андозалари асосида ривожланишини таъминлаш боросида юртимизни дунё миқёсида интеграциялашувини ҳам тезлаштиришмоқда. Ана шундай ҳужжатлар асосида Жиззахда ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Ахборот коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарори асосида 14 та давлат бошқаруви органларида локал ва корпоратив тармоқлар ташкил этилди. Барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ўртасида «UzNet» филиали орқали (VPN) корпоратив тармоқ ишга туширилди. Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тизими 2002 йилдагига нисбатан 60 баробарга ошди. Ёшларни зарур ахборот манбаи билан таъминлаш мақсадида «ZiyoNET» ахборот таълим тизими 2 та oliй таълим муассасаси, 55 та коллеж, 4 та академик лицей ва 381 та мактаб уланди. «Электрон таълим миллий тизимини қуриш» лойиҳаси асосида эса Жиззах политехника институтига 2270 метр, Жиззах давлат педагогика институтига 1500 метр оптик толали кабель ўтказилди.

Йилги соҳада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ва улар учун яратиб берилаётган шарт-шароитларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маърузачининг таъкидлашича, бугун вилоятда интернет тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлари сони 5, жамоа пунктлари сони эса 23 тага етган.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, ўтган йиллар давомида тадбиркорлик субъектлари томонидан вилоят кесимида деярли ҳеч қандай дастурий мақсулотлар ишлаб чиқарилмаган. Фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар асосан маиший хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Буларнинг барчаси ҳудудда интернет тармоғининг етарли даражада оммалашмагани билан изоҳланмоқда. Жумладан, вилоят бўйича 1576 та давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бор-йўғи 553 таси интернетдан фойдаланмоқда, холос. Бу умумий соннинг 35 фоизини ташкил этади. 18974 та хўжалик юритувчи субъектнинг эса атиги 2826 таси ёки 15 фоизи интернет тармоғига уланган.

О'зЛиДеР фаолиятининг фикрича, соҳа мутасаддиларининг жаҳон тажрибалиридан етарли даражада фойдаланмаётганлари, масалалар жиддий эътибор қаратилмаётгани дастурий таъминот индустрияси ривожига салбий таъсир кўрсатаётди. Ваҳоланки, мазкур соҳа давлатнинг экспорт салоҳиятини оширувчи ва валюта тушумлари кўпайишини таъминловчи муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масалани вилоят сессиясига олиб чиқишдан мақсад ҳам алоқа ва ахборотлаштириш йўналишидаги ишларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш ҳамда кўшимча чора-тадбирлар

ни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилашдан иборатдир.


Сессияда иштирок этган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Х.Мирзохидовга депутатлар бир қатор саволлар билан мунозаара қилдилар. Хусусан, О'зЛиДеР вилоят кенгаши депутати М.Сувонкулов вилоятда интернет тармоғига уланиш кундан-кунга кўпайиб бораётганига қарамай, унинг сифати ва ишлаш тезлиги етарли эмаслиги, айниқса, бу ҳолат туманлар миқёсида сақланиб қолганлигига эътибор қаратди. Депутат С.Зиятов эса умумтаълим интернет тармоғига уланиш кундан-кунга кўпайиб бораётганига қарамай, унинг сифати ва ишлаш тезлиги етарли эмаслиги, айниқса, бу ҳолат туманлар миқёсида сақланиб қолганлигига эътибор қаратди. Депутат С.Зиятов эса умумтаълим интернет тармоғига уланиш кундан-кунга кўпайиб бораётганига қарамай, унинг сифати ва ишлаш тезлиги етарли эмаслиги, айниқса, бу ҳолат туманлар миқёсида сақланиб қолганлигига эътибор қаратди.

Назоратта олиниши зарур.

О'зЛиДеР вилоят кенгаши депутати Б.Тўраева эса «Ўзбекистон миллий телерадиоконмпанияси» тизимидаги телеканаллар дастурларини мунтазам равишда томоша қилиш вилоятнинг тоғли ҳудудларида маълум даражада чекланганига эътибор қаратди. Жумладан, Фориш туманининг Гараша, Ухум, Мажрум ва Андаген қишлоқлари аҳолиси теледастурларини доимий томоша қилиш имкониятига эга эмас. Бундан ташқари, дастурларнинг сифати узадиллиги ҳам қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Маълумки, республикамизнинг Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида рақамли телевидениега ўтилган ҳолда Жиззах вилоятда бу имкониятдан фойдаланилмаётган.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши сессиясида ХДП вакили Қ.Эргашев, «Миллий тикланиш» ДП вакили Б.Мамажонов ҳам сўзга чиқиб, кун тартибидagi масаланинг гоятда муҳим ва долзарб эканини ва бу масала О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан ўз вақтида олиб чиқилганини таъкидладилар.

Сессия кун тартибидagi масала юзасидан Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг тегишли қарори қабул қилиниб, вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ўртасида қўшма тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Кун тартибидagi масала депутатларнинг доимий назоратида туриши лозимлиги таъкидланди.



## Кўмита вазирлар ҳисоботини эшитди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАҲАБОВ

— Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва мулкий муносабатларни такомиллаштириш йўналишидаги ислохотлар туфайли унинг таркиби, мазмуни ва моҳиятида кескин ўзгаришлар юз берди, — деди иқтисодий вазир Равшан Ғуломов. — Бу эса қишлоқ хўжалигида мулкдорларнинг шаклланиши, иқтисодий эркинлаштириш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳадаги корхоналар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўлидаги катта эътибор намунасидир. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари, Ер кодекси, Солиқ кодекси, «Ижара тўғрисида», «Мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда Юртбошимиз Концепциясида илгари сурилган ташаббуслар бўйича бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, тадбиркорликнинг янги тартиб-ҳуқуқий шакли сифатида оливалый бизнеснинг ҳуқуқий асосини яратиш бўйича изчил иш олиб боришмоқда.

Инфратузилма субъектларига бошланч босқичда турли имтиёз ва субсидиялар берилиши уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш имконини яратмоқда. Жумладан, фермер хўжалиқларини минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш мақсулотлари билан таъминловчи шохобчлар 3 йил муддатга ер ва мулк солиғидан, сув истеъмолчилари уюшмалари эса қўшилган қиймат, фойда ва мулк солиғидан озод қилинган.

Парламент эшитишда айни пайтда 267 та агрофирма фаолият юритаётгани, улар томонидан 2010 йилда фермер хўжалиқларидан 1 млн. 400 минг тонна, яъни 2006 йилга нисбатан 166 фоиз кўп мева-сабзавот ҳарид қилиниб, қайта ишловчи корхоналарга етказиб берилгани таъкидланди. 2011 йилда эса агрофирмалар билан фермер хўжалиқлари ўртасида жами 1 млн. 600 минг тонна мева-сабзавот етиштириб бериш бўйича шартномалар тузилиб, уларга асосан фермерларга 39 млрд. 600 млн. сўм миқдори

даги маблағ аванс тариқасида ажратилган. — Мева-сабзавот ишлаб чиқариши янада кўпайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида Жаҳон банки билан ҳамкорликда йирик лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувга эришилди, — деди молия вазирининг ўринбосари Ёркин Турсунов. — 2012 йилдан ана шу лойиҳага 100 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалиги мақсулотларини кўпайтириш ва қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида Халқаро қишлоқ тараққиёт фонди ҳамкорлигида мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишида 60 млн. АҚШ доллари миқдорига яна иккита лойиҳа режалаштирилмоқда. Умуман олганда, бугун биргина Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ҳорижий инвесторлар иштирокида умумий қиймати 539,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 10 та лойиҳа амалга оширилган.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат мақсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигини оширишда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Шунинг учун ҳам экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2010 йиллар давомида олиб борилган ишлар туфайли жами 740 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Натижада республика бўйича 2007 йилга нисбатан кучли ва ўрта шўрланган майдонлар 60 минг, сизот сувлари сатхи 2 метргача бўлган майдонлар эса 239 минг гектарга қамайди. Хосиддорлик пахтачиликда ўртача 2-3, галлачиликда эса 3-4 центнерга ортди.

Давлат дастури доирасида беш йилга жами 604,6 млрд. сўм маблағ йўналтириш белгиланган бўлиб, шундан 2008-2010 йилларда 371,3 млрд. сўми ўзлаштирилди. Жумладан, 143,5 млрд. сўм маблағ 1615,4 км узунликдаги очик коллектор тармоқларини, 442 та мелiorатив қудуқ, 27 та насос станцияси, 690 та турли гидроиншоотларни реконструкция қилиш ва қуришга сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат мақсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридида томчилатиб сўғориш тизимини татбиқ этиш учун махсус кредит линиялар очиб белгиланган бўлиб, 2012 йилнинг 1 январига қадар ҳориддан олиб келинадиган технологик ускуна-

лар божхона тўловидан озод қилинган ва самарасини бермоқда. Чунки мазкур усул қўллашилганда, сув сарфи 20 фоиздан 80 фоизгача кам бўлиши дунё тажрибасида исботланган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вазирининг ўринбосари Зафар Рўзиевнинг айтишича, сувни тежайдиган технологияларни кенг миқёсда қўллаш бўйича мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йилда томчилатиб сўғориш тизими жорий қилинган майдонлар 5 минг гектарга етказилди. 2011 йилда яна 2 минг гектар майдонда шу усулни жорий этиш режалаштирилган. Томчилатиб сўғориш аввал асосан боғ ва тоқзорлар ҳамда сабзавотчиликка татбиқ қилинган бўлса, эндиликда уни пахта майдонларида ҳам кенг қўллаш устида изчил ишлар олиб боришмоқда.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган йилгиликда фермер хўжалиқлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволлар батафсил жавоб олдлар. Хусусан, Қиррай туманидаги «Шуқурова Ғузэл» фермер хўжалиги раҳбари, О'зЛиДеР фаоли Гўзал Шуқурова жойларда МТПларнинг бинолари деярли бўш турганига қарамай, айрим ҳудудларда фермерларнинг катта маблағ эвазига харид қилинган замонавий техника воситалари очик ҳавода сақланаётганига муносабат билан қайта саволлар қаратди. О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Низомиддин Сиддиқов эса жойларда паррандачиликни ривожлантиришга бўлган тадбиркор ва фермерларга товуқхоналар қуришида ишлатилганига сим турларни етарли даражада етказиб бериш билан боғлиқ масалага муносабат билдирди.

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида О'зЛиДеР фаолиятининг устувор йўналишларидан бири фермер хўжалиқларини янада ривожлантириш, улар учун зарур инфратузилмани шакллантиришга қўллашдан иборат экани алоҳида қайд этилган. Эеро, айнан фермерлар қишлоқда туз ислохотларни амалга оширувчи етакчи кучдир. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда партия фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий механизмларнинг самарали ишлашига эришишга интилади.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида кўмитанинг қарори қабул қилиниб, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодий ҳамада Молия вазирликлари соҳада қонун устуворлигини таъминлаш боросида тегишли тавсиялар берилди.

## Юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун масъулмиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада



Бугун жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон энг азиз ва энг улуғ байрамининг улкан муваффақиятлар билан қутиб олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларида собиқ ширкат хўжалигининг чорвачилик фермаси неғизиди «Юртризи» наслчилик масъулияти

чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйган эдик. Ўтган даврда мажмуани қайта тиклаб, чорва моллари сонини сақлаб қолиш ва мақсулдорлигини оширишга эришилди. Замонавий минитехнологиялар асосида мақсулотларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Энг асосийси, бу ерда 90 киши учун доимий иш ўрни яратилди. Бу йил тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафарини ишга тақлиф этдик.

Айни пайтда хўжалигимизда Украинадан келтирилган 600 бош «Қизилчўл» зотли моллар парварши қилинапти. Замонавий технология асосида сутни қайта ишлаб, ўттизга яқин мақсулотлар тайёрлашмоқда. Жорий йилнинг ўтган 6 ойида соғиб олинган 400 тонна сутнинг 230 тоннаси қайта ишланди. Бундан ташқари, биогаз ишлаб чиқаришни

йўлга қўйдик. Эндиликда иссиқхона ва бошқа иншоотлар ана шу арзон ёнилғи билан таъминлаш ниятида ишлаб чиқаришни кенгайтираёямиз.

Туманимиздаги 46 та бошланғич партия ташкилоти ўз атрофида 481 нафар О'зЛиДеР аъзосини бирлаштириб турибди. Ҳар ойда икки маротаба ўтказилаётган депутатлик гуруҳи йиғилишларида фаолларимиз янги-янги ташаббуслар билан қизиқяпти. Туман кенгаши депутати Валерий Самиев ўз ҳисобидан ёш математиклар кичик олимпиадасини ўтказиб берган бўлса, депутат ва тадбиркор Орифжон Йўлдошев Майманок касб-ҳунар коллежи талабалари учун йўлқира ҳақини 500 сўмдан 200 сўмга туширди. Бундан ташқари, 10 нафар битирувчини ишга олиб, 80 нафар талабага амалиёт ўташ учун қулай имконият яратиб

берди.

Шу ўринда Истиқлол ҳар бир фуқарога ўз истеъдодини намойн этиш учун кенг имкониятлар яратиб берганини таъкидлашни истардим. Тадбиркорлик эса мени эл-юртга танитиди, халқимизни турмуш фаровонлиги йўлида эзгу ишларга даъват этди. Менимча, ҳар бир инсон ўз қобилиятини ишга солса, фаровон ва бахтли турмуш кечириши аниқ. Ҳаракатчан кишилар нафақат ўзлари, балки ҳамқишлоқлари, ватандошларининг бахтли келажагини таъминлашга ҳам муносиб хисса қўша олади. Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифлари чоғида билдирган қимматли фикрлари, пурмаъно ўғитлари биз ишбилармонлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва ҳамisha эл-юрт фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга даъват этади.

## Замонавий савдо мажмуаси

Бутун мамлакатимизда бўлганидек, Навоий шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу ерда «Ёшлар маркази», вилоят солиқ бошқармаси, аквапарк, шаҳар ФХДЭ биноси, 10 минг томошабинга мўлжалланган спорт мажмуаси, ёпиқ сув ҳавзаси, йигирмадан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари барпо этилмоқда. Бу объектлар истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг «Халқлар дўстлиги» ва «Меъморлар» кўчалари чорраҳасида «Турон маркет» замонавий савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. — Савдо мажмуаси бутунлай янгича қиёфа касб этди, — дейди хусусий тадбиркор Лутфулло Ҳужаев. — Ишни ташкил этишда 400 миллион сўмлик кредит маблағидан фойдаландик. Иншоот тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий усулда жиҳозланди. Сўнгги русумдаги совутичлар, қулай пештахталар ўрнатилди. Савдодаги мақсулотлар кенг экранли мониторлар ёрдамида намойиш этилмоқда. Бу эса хариддорлар учун қулайлик яратяптир. Янги замонавий савдо дўконида 10 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. **Ёркул УМАР, Ўза муҳбири**



## Кичик бизнес туризм таянчи

**Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотларида дунё ялпи ички маҳсулотининг ўндан бир қисми, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиғи туризм ҳиссасига тўғри келаётгани таъкидланмоқда. Дунё аҳолисининг 8 фоизи, яъни 192 млн. кишининг мазкур соҳада банд экани ҳам туризмнинг жаҳонда йирик экспорт саноатига айланганидан далолат бермоқда.**

**Гулжон ХАЛМУРАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



Ўзбекистон бундан 20 йил аввал истиқболли туристик йўналиш сифатида умуман тилга олинмаган бўлса, бугунга келиб халқаро туризмни ривожлантириш соҳасида юксак салоҳиятга эга мамлакатга айланди. 1993 йилда Бутунжаҳон Туризм Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатимиз айни пайтда халқаро ҳамкорлик соҳасида 45 та ҳукуматлараро, 44 та ҳудудий ва 17 та агентлик шартномалари имзолаган.

Буюк ипак йўли номи билан тарихга кирган, қадимги қарован йўлларининг юртимиз сарҳадларидан эрамиздан олдинги II асрда ўтганлиги ҳам дин, хунармадчилик, маданият, ўзига хос аңбалар ва урф-одатларнинг ўзаро уйғунлашуви ҳамда ривожланишига хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Биргина тарихий-меъморий обидаларимиз сони 4000 дан ортиқ бўлиб, улардан 90 фоизга яқини қадимги зардуштийлик ва теуриятлар даврига тааллуқлидир. Эътиборли жиҳати шундаки, юртимиздаги маданий мерос объектларининг маълум қисми ЮНЕСКО томонидан ҳимояга олинган.

Бу эса ниҳоятда бой маданий, тарихий ва табиий ресурсларга эга Ўзбекистон учун туризм-мамлакат иқтисодий-тининг энг муҳим соҳаларидан бири эканини кўрсатади. Қолаверса, халқаро туризм юртимизнинг турли соҳалардаги имкониятларини дунёга намойён этувчи ўзига хос воқеа ҳамдир.

Мустақиллик йилларида туризм саноатини замонавийлаштириш, мамлакатнинг меҳмонхона ва транспорт инфраструктурасини яхшилаш ҳамда тармоқнинг изчил ривожланиши учун соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани шак-

ллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Президентимиз Фармони билан 1992 йилнинг 27 июлида туризмни ривожлантиришнинг илмий моделини шакллантириш, соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш вазифалари юқлатилган "Ўзбектуризм" миллий компаниясига асос солинди.

"Туризм тўғрисида", "Сугурта тўғрисида", "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Давлат чегаралари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар эса соҳани тартибга солишга хизмат қилди.

Юртбошимиз фармонидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат Дастури" асосида эса мамлакатимизда туризм соҳасининг ҳуқуқий-меъёрий базаси яратилди, бир неча ўнлаб жаҳон андозалари талаблари даражасидаги меҳмонхона мажмуалари қад кўтарди, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони ортди.

Бу борада "Туризм тўғрисида"ги Қонуннинг қабул

қилиниши соҳага оид энг муҳим масалалар ҳамда инсти-тутларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш имконини берди. Қонуннинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда, аввало, фуқаронинг туризм соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинган.

Бугун Ўзбекистонда 700 дан ортиқ туристик фирмалар, 270 дан зиёд меҳмонхона, кўплаб туристик база ва кемпинглар, 450 га яқин туроопе-ларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, шунингдек, республика-нинг автомагистрал йўлларида, туристик объектлар атрофида сайёҳларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда асосан хусусий сектор фаол-лик кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республика иқтисодийи суръатининг барқарор ўсиши, мавжуд туристик салоҳият, мамлакатимизда бугунги кунда ҳукум сураётган тинчлик ва барқарорлик, албатта, ушбу мақсадларга эришишда кенг имкониятлар яратди.

хусусан, мусулмон давлатлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамд-ўстлигидан келаётган сайёҳ-лар эканини охишлагга ҳожат бўлмаса керак.

Албатта, мамлакатимизда туристик индустриянинг шаклланиши ва ривожланиши бу, энг аввало, соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу соҳада ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, ҳудудда тарихий-археологик-боғлар барпо этиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, хусусан, қишлоқ жой-ларида туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, шунингдек, республика-нинг автомагистрал йўлларида, туристик объектлар атрофида сайёҳларга замонавий сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этишда асосан хусусий сектор фаол-лик кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, республика иқтисодийи суръатининг барқарор ўсиши, мавжуд туристик салоҳият, мамлакатимизда бугунги кунда ҳукум сураётган тинчлик ва барқарорлик, албатта, ушбу мақсадларга эришишда кенг имкониятлар яратди.

## Статистика масаласида O'zLiDeP, «Адолат» ва «Миллий тикланиш» фикри бир жойдан чиқди

**Юртбошимизнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жимияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси асосида 20 га яқин иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-гуманитар соҳаларга тааллуқли қонун лойиҳалари тайёрланди**

Шулардан бири Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасида иш олиб бораётган O'zLiDeP, «Адолат» СДП ҳамда «Миллий тикланиш» ДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан

тайёрланган «Давлат статис-тикаси тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасидир. Хўш, 2002 йилнинг 12 декабридан буён амал қула-ётган ушбу қонунга нега айнан

бугунга келиб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди? Уму-ман, ушбу қонун лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад нима? Мухбиримиз ана шундай сав-воллар билан қонун ижодкор-ларига мурожаат қилди.



**Бахтиёр МИНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати, Бюджет  
ва иқтисодий ислохотлар  
қўмитаси раиси:

рқатиш ва сақлаш билан боғ-лиқ барча ҳуқуқий муносабат-ларни тартибга солишга ҳамда давлат статистикасини ташкил этиш тартибини бел-гилашга хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кейинги йилларда иқтисод-ий янада либераллашти-риш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожла-ниши учун қулай шарт-шаро-ит яратишга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ҳамда мам-лакатимизда ахборот комму-никация технологияларининг кенг ривожланиши мазкур қонуннинг айрим моддалари-га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этаётган эди.

Халқаро статистика тажи-баси шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти шароити-да ҳўжалик юритувчи субъек-тлар сонининг ўсиши замона-ларини акс эттирувчи му-ҳим соҳа. Ҳар қандай дав-латнинг жаҳон ҳамжамияти-даги ўрни, иқтисодий са-лоҳияти ва тараққиёт да-ражаси айнан статистик маълумотлар асосида қиёс-ланади. Мамлакатимизда «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуннинг ижтимо-ий-иқтисодий ҳолат тўғри-сидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, та-

эса ҳисоботларни йиғиш, юридик ва жисмоний шах-сларнинг танланма кузатувлари-ни ўтказиш, электрон ра-қамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон ҳисобот шак-ллари йиғишни ташкил этиш билан боғлиқ қатор ма-салаларни ҳал этишни талаб этмоқда. Ана шулардан келиб чиқиб, «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5, 6, 9, 11, ва 13-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлифи илгари су-рилмоқда.

Мутахассисларга яхши маълумки, соҳада мувофиқ-лаштириш ва функционал тар-тибга солиш, ягона статисти-ка услубияти ва кузатувлари шакллари тасдиқлаш дав-лат статистикаси ваколатли органининг ҳуқуқи эмас, бал-ки унинг мажбурияти сира-сига қиради. Шунинг учун ҳам Қонуннинг 5-моддасига «Дав-лат статистикаси ваколатли органи соҳани мувофиқла-штириш бориш ва функционал тартибга солиш ишларини амалга оширади, ягона статисти-ка услубиятини ва давлат статистика кузатувлари шак-ллари тасдиқлайти ҳамда бошқа давлат ва ҳўжалик бо-шқаруви органлари билан идоравий статистика кузату-влари шакллари келишиб олади» деган норма киритил-моқда.



**Насимжон АЛИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати, Бюджет  
ва иқтисодий ислохотлар  
қўмитаси аъзоси:

рий мақсадларимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Шу бо-исдан ҳам O'zLiDeP фракция-си аъзолари қонун лойиҳаси-га электрот ташаббусидан кели-б чиққан ҳолда ёндашдилар.

Жумладан, ҳозирги кунда «Ҳўжалик юритувчи субъект-лар фаолиятини давлат томо-нидан назорат қилиш тўғриси-да»ги қонуннинг 9-моддасига асосан мазкур субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини тешириш солиқ органлари томонидан амалга оширил-моқда. Шундан келиб чиқиб, статистика органлари томо-нидан ҳисоботларнинг ишон-чилигини экспертизадан ўтказиш замонавий дастурий таъкидлаш жоиз. Чунки, ки-чик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектларига зарур шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятида-ги ортиқча бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда теширишларини янада қисқартириш дасту-

гишли тузатишлар киритиш тақлифи билдирилмоқда.

Маълумки, давлат статис-тика кузатувлари бирламчи ҳисоб ҳужжатлари асосида ҳам, бевосита кузатувлар йўли билан ҳам ўтказилади. Аммо амалдаги қонунда ста-тистика кузатувларини ўтка-зиш услуби қайси орган то-монидан белгиланиши кўрсатилмаган. Шундан келиб чи-киб, статистика органлари-нинг кузатув услубларини тан-лашдаги ваколатларни янада аниқлаштириш учун 11-мод-даси «давлат статистика ку-затувларини ўтказиш услуби, агар қонун ҳужжатларида бо-шқача қоидалар назарда ту-тилмаган бўлса, давлат стати-стика ваколатли органи томо-нидан белгиланади» тартиби-даги қўшимча билан тўлди-рилмоқда.

Лойиҳани тайёрлашда қатор давлатларнинг соҳада-ги қонунчилик тажирибаси ҳам ҳисобга олинди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг амалиётда қўлланилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишини энгил-лаштиради ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

## Матбуот фуқаролик жамияти устундир

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада



**Фахриддин СОЛИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати, Ахборот ва  
коммуникация технологиялари  
масалалари қўмитаси аъзоси

Ҳақиқатан ҳам жамоатчи-лик назоратининг таъсир-чанлигини таъминлашда ОАВ ўрни бекиёсдир. Чунки дав-лат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг ижроси фақат тўртинчи ҳокими-ятгина жамиятга етказиши мумкин. Бундан ташқари, у миллионлаб фуқароларимиз-нинг воқеа ва ҳодисаларга нисбатан ўз фикр ва мулоҳа-заларини баён этадиган мин-бардир. Ислохотларнинг

янги босқичида эса жамоат-чилик назорати институти-нинг ҳуқуқий асосларини яра-тиш ҳамда уни ҳаётга кенг жорий этиш энг долзарб ва-зифалардан саналгани учун ҳам ушбу масала O'zLiDeP фракцияси аъзолари томо-нидан атрофлича ўрганилиб, айни кунда «Ўзбекистон Рес-публикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш устида жиддий изланишлар олиб борилапти.



**Зилола СОБИРОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати, Ахборот ва  
коммуникация технологиялари  
масалалари қўмитаси аъзоси

Президентимиз табригида эришилаётган муваффақиятлар баробарида ечимини кутаётган муаммолар ҳам тилга олиндики, уларнинг тезкор ҳал этилиши матбуотимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Улар-дан бири — табриқда алоҳида қайд этилганидек: «... ўткир ма-вуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатўйлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир».

Менимча, бундай ҳолатлар-га барҳам бериш кўпроқ соҳа вакилларининг ўзларига боғ-лиқдир. Уларда профессионал маҳорат, кучли фуқаролик пози-цияси, жасорат етишмас экан,

улар ҳуқуқий жиҳатдан ҳар қанча муҳофаза этилмасин, қутилган натижага эришиб бўлмайдди. Иккинчидан, ҳар қандай журна-лист ўзи қаламга олаётган со-ҳани яхши билиши шарт, яъни унинг у ёки бу соҳага ик-тисослашуви ниҳоятда муҳим-дир. Ана шундангина журналист танланган мавзунини тўғри ва хо-лис ёрита олади.

Шу боис ҳам бугун муайян соҳаларга ихтисослашган про-фессионал журналистларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса олий ўқув юртларида махсус кафедралар, журналистлар уюшмасида тур-ли секциялар ташкил этилиб, соҳа вакиллари малакасини ошириш курслари самарасини янада оширишни талаб этади.

## Парламент вақтини ўтказиб юборманг

**Маълумки, ҳафтанинг чоршанба кунлари «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган «Парламент вақти» кўрсатуви телетомошабинларда катта кизиқиш уйғотмоқда. Зеро, унда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеа-ҳодисалар, депутатлар томонидан ишлаб чиқарилаётган қонунлар моҳиятини оммага кенг тушунтиришга жиддий эътибор қаратилаётган. Бу эса мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг ролини кучайтириш, шунингдек, жойларда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эгадир.**

«Тошкент» телерадиоканали орқали намойиш этилаётган «Моҳият» ижтимоий-сиёсий дастурида ҳам янги қонун лойиҳалари ҳақида кенг маълумотлар берилиб, уларнинг мазмун-моҳияти содда ва раван тилда баён қилинмоқда.

Фуқароларни қабул қилинаётган янги қонунлар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти билан мунтазам таништириб бораётган «Парламент соати» кўрсатуви эса ННТ каналда энг долзарб кўрсатувлар қаторида тилга тушаётгани ҳам бежиз эмас. Бир сўз билан айтганда, парламент вақтини ўтказиб юборманг.

**Хўрматли тадбиркор ва ишбилармонлар!**

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАРКАЗИ**

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва қўмақчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улўбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Ғ уй.  
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



**СИРДАРЁ.** Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан "Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан" шиори остида O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Мирзаобод туманидаги Қишлоқ қурилиш касб-хунар коллежида "Хусусий тадбиркорлик — ижтимоий барқарорлик кафолати" мавзусида амалий ўқув-ташқил этилиди. Унда ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Тадбирда мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти таъкидланиб, тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Сўзга чиққанлар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда кичик бизнесни ривожлантиришда уларнинг куч-салохиятидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини қайд этиб, бу жараёнда O'zLiDeP олдида турган долзарб вазифаларга эътиборни қаратдилар.

Давра суҳбатида тадбиркорлик фаолиятига оид истиқболли лойиҳалар, уларни амалга ошириш тартиби, банклардан имтиёзли кредитлар олиш, иқтидорли ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалалар юзасидан маърузалар ҳам тингиланди.

**ХОРАЗМ.** O'zLiDeP вилоят Кенгаши, вилоят давлат солиқ ва божхона бошқармалари ҳамкорлигида Хива туманида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз иқтисодий барқарорлиги кафолати" мавзусида ўқув-семинар ташқил этилиб, унда асосий эътибор экспорт ва импорт, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солишчи қонунларни таҳлил қилиш, уларни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Президент Концепциясида ўртага қўйилган дастурий вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли режаларни белгилаб олишга қаратилди.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятига оид қонунларни амалиётга самарали татбиқ этиш, шубҳасиз, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, кўшимча иш ўринлари яратиш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда эришилган ютуқлар билан бир қаторда жойларда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани, мулк эгаллари дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур чоралар қўрилмаётгани ҳам таъкидланди.

Тўпланганлар солиқ ва божхона ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, зарур маълумотларга эга бўлишди. Ўқув-семинар якунида фаол иштирокчиларга вилоят давлат солиқ ҳамда божхона бошқармаларининг фахрий ёриқлари, эсдалик совғалари топширилди.

**АНДИЖОН.** Бугун хотин-қизлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам фаоллик кўрсатаётганлар. O'zLiDeP Қўрғонтепа туман Кенгаши томонидан ташқил этилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровонлигимизнинг мустаҳкам таянчи" мавзусидаги давра суҳбатида иқтисодий соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусан, қишлоқ жойларда яшовчи аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, бу борадаги амалий ҳаракатларни янада кучайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Сўзга чиққанлар кичик бизнесни иқтисодиётнинг таянч бўлинига айлантиришда хотин-қизлар катта куч эканини таъкидлаб, уларнинг салохияти ҳамда имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратдилар.

**Шухрат РАҲИМОВ,**  
«XXI ASR»

O'zLiDeP ташаббуси билан «Ишбилармон ўқувчи» лойиҳаси доирасида академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Ундан кўзланган асосий мақсад «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларнинг қобилияти ва иқтидорини юзага чиқариш, ўз бизнесини ташкил этишлари учун зарур шарт-шароит яратиш, бир сўз билан айтганда, янги авлод вакиллари кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишдан иборатдир.

Яқинда ушбу тадбирнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилиб, унда келажак эгаларининг ақлий ва жисмоний салохиятини юксалтириш, бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш, ёшларнинг интилиш ва изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, O'zLiDeP ўз фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ ёшларда ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга жиддий аҳамият бериб келмоқда. «Ишбилармон ўқувчи» стипендиясининг таъсис этилгани ҳам бежиз эмас. Танловнинг бу йилги туман босқичларида 500 нафар йўлланма олган эди. Ишчи гуруҳлари ва ҳайъат аъзолари танлов ғолибларининг тадбиркорлик ҳамда ишбилармонлик борасида-

ги кўникмаларини яна бир қарра синовдан ўтказдилар. Бунда асосий эътибор уларнинг замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги иқтидори, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид инновацион лойиҳалари, фанларни ўзлаштириши, етакчилик қобилияти ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов натижаларига кўра, Мирзо Улугбек туманидаги Ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси Музаффар Азимов биринчи, Ҳамза туманидаги ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқувчиси Умида Хусанова иккинчи, Миробод туманида жойлашган политехника касб-хунар коллежи ўқувчиси Нодир Қосимов учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ҳам «Ишбилармон ўқувчи» стипендияси учун беллашувлар давом этмоқда. Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танловда O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши ижроия бизнес-режаларини диққат билан ўрганиб чиқиб, уч нафар ғолибни аниқлади. Уларга 1-даражали диплом ҳамда танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди. Ширин шаҳридаги энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Мамлакат Ҳаққулова биринчи, Сирдарё туманидаги Сирдарё педагогика коллежи ўқувчиси Гуландом Камолитдиновага иккинчи, Гулистон ахборот технологиялари касб-хунар кол-

лежи ўқувчиси Шермуҳаммад Ибодуллоевага учинчи ўрин nasib этди. Шунингдек, 15 нафар фаол иштирокчига фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах вилоятида 80 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолият кўрсатаётганини инобатга олсақ, кўрик-танловнинг вилоят босқичига келиш учун ўқувчиларга қанчалик жиддий талаблар қўйилганини англайди. Шу тариқа 20 нафар ўқувчи лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

— Маълумки, оддий чарчалак сувни 2-3 метр баландликка кўтариб беради, — дейди кўрик-танловнинг 1-ўрин ғолиби Жасур Тўхтамурадов. — Мен яратган механизм эса

## «Ишбилармон ўқувчи» ишбилармонларни кашф этмоқда

### Қобилият ва иқтидор ўз вақтида ривожлантирилса, бу ҳаёт йўлини тўғри танлашда фаровон ва мазмунли келажакни таъминловчи муҳим омилга айланади.



лежи ўқувчиси Шермуҳаммад Ибодуллоевага учинчи ўрин nasib этди. Шунингдек, 15 нафар фаол иштирокчига фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Жиззах вилоятида 80 дан ортиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар фаолият кўрсатаётганини инобатга олсақ, кўрик-танловнинг вилоят босқичига келиш учун ўқувчиларга қанчалик жиддий талаблар қўйилганини англайди. Шу тариқа 20 нафар ўқувчи лойиҳаси ҳайъат аъзолари томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

— Маълумки, оддий чарчалак сувни 2-3 метр баландликка кўтариб беради, — дейди кўрик-танловнинг 1-ўрин ғолиби Жасур Тўхтамурадов. — Мен яратган механизм эса

сувни 50-60 метр юқорига кўтариш қувватига эга. Ушбу қурилмадан келажакда қишлоқ хўжалиги ва фермерлик соҳасида бемалол фойдаланиш мумкин.

Танловнинг 3 нафар ғолибга республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

Дарҳақиқат, ёшларимизда тобора чуқурроқ шаклланиб бораётган тадбиркорлик кўникмалари уларнинг келажакга умид ва ишонч билан қарашга ундайди. Мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларини ҳам вақти келиб ўз йўлларида топиб олишлари, жамиятимиз тараққиётига муносиб хисса қўшишлари шак-шубҳасиз.

## Тадбиркор аёл — оила файзи, жамият таянчидир

Мустақиллик йилларида аёлларга алоҳида эътибор қаратилгани, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун кенг шароитлар яратилаётгани бугун ўз самарасини бермоқда. Эндиликда хотин-қизларимиз жамиятимизнинг энг фаол аъзоларига айланиб бормоқдалар.

**Темур АБДУРАҲМОНОВ,**  
«XXI ASR»

O'zLiDeP Қўрғонтепа туман кенгаши ташаббуси билан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровон ҳаётимиз калити» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам ана шундай мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирнинг тартиби «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Мавлудахон Умарова қисқача кириш сўзи билан очиб, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мустақил иш юритаётган опа-сингилларимиз учун қўшимча имтиёزلар яратилгани, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган Давлат дастури қабул қилингани, айниқса, аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, чекка ҳудудларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагидагилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

— Андижон нафақат ишбилармон йигитлари, балки қўли гул чевар қизлари, оилани ҳам, тадбиркорликни ҳам жойига қўя олувчи аёллари билан ҳам ном қозонган, — деди ўз маърузасида O'zLiDeP Андижон вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлим мудири Умидахон Исаева. — Давра суҳбатидан кўзланган мақсад эса аёлларимизни тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб этиш, уй меҳнатини йўлга қўймоқчи бўлганларга амалий ёрдам бериш, жойлардаги тартиб-ташқилотларини бу ишга масъул этиб белгилашдан иборатдир. Бугунги тадбирнинг Қўрғонтепада ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки туманда барча ибрат олса арзигулик фаол аёллар сони йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, O'zLiDeP аъзоларидан бири Муаззамхон Хусанова ташаббуси билан икки ой муқаддам ишга туширилган ўқув-марказида айни пайтда қўллаб қизлар замонавий касб-хунар сирларини ўрганишмоқда.

Тадбирда, шунингдек, O'zLiDeP туман кенгаши «Аёллар қаноти» гуруҳ раҳбари, «Омад ҳамкор ишонч» фермер хўжалиғи раиси Мавлудахон Умарова «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — бандликни таъминлашнинг муҳим омилidir» мавзусида маъруза қилиб, уй меҳнати билан шуғулланувчи аёлларнинг чорвачилик ва касаначилик фаолиятларида кенг жалб қилиш, уларга тиждорат банкларидан бошланғич сармоя олишда амалий қўмак бериш зарурлиги хусусида гапирди.

«Тадбиркорлик йўналишида аёлларнинг роли» мавзусида маъруза қилган Халқ депутатлари туман кенгаши депутати, «Ал-Маъруф Жавлонбек файз» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Муҳаббатхон Йўлдошева эса хизмат ўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш яхши самара беришини, Қўрғонтепа индустриал педагогика касб-хунар коллежи битирувчиларидан 10 нафарини ишга қабул қилганини айтиб, тадбиркор дўгоналарини ҳам шунга даъват этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўз дастурий йўналишида келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Мазкур тадбирда қўллаб маҳалла маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг иштирок этгани боиси ҳам ана шунда.

«Маҳалла» жамғармаси вакили Оқибатхон Нўмонжонов эса ўз сўзида кўн тартибидеги масала юзасидан O'zLiDeP билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришга ҳамisha тайёр эканини билдирди.

Давра суҳбати якунида тадбиркорлик фаолиятига алоқадор ташкилот ва муассасалар билан янги-янги лойиҳалар тайёрлаб, ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш йўлисида келишиб олинди.

## Озод юртининг фидойи фарзандлари бўлайлик!

### Қарши шаҳридаги Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасида бўлиб ўтган йиғилиш ана шундай номланди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**  
«XXI ASR»

Мазкур корхона раҳбари, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати, O'zLiDeP фаоли Нормурод Йўлдошев олиб борган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ту-

файли юртдошларимиз дунё-қарашини ўзгартириб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кўндал-кўнда ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Истиқлол том маънода хурлик, тараққиёт ва фаровонликни ҳаёти бизга. Аммо, афсуски, орамизда жамиятимизга зид таъсирларга тушиб қолаётган, аср вабоси ҳисобланмиш гиёҳандлик иллатига учраб, ўз ҳаётига зомин бўлаётганлар ҳам топилади.

Ёшларимизни улар таъсирига тушиб қолмасликларини учун хушёрликни кучайтиришимиз керак. Зеро, осойишталик ва хушёрлик бор жойда ёмон иллатлар илдиэ отмайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш эса жамиятимизнинг барча аъзоларининг фуқаролик бурчидир.

Тадбирда Қарши шаҳар имом-хатиби Аҳмад Бойқобилов, вилоят нарқология диспансери шифокори Зокир

Мейлиев, вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Сарвар Азизов юртимиз осойишталигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш фаровонлигимиз асоси мавзусида маъруза қилдилар.

Корхона ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлар, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари вакиллари иштирок этган йиғилишда «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» видеофильми намойиш этилди.

## Электорат билан юзма-юз

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида мевасабзавотларни қайта ишлаш корхоналари очил энг долзарб вазифалардан саналмоқда. O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан туман ҳокимлигида ўтказилган мулоқотда ҳам туман кенгаши депутатлари, банк, солиқ, божхона ва фермер хўжалиқлари хизмат кўрсатувчи идоралар вакиллари билан айнан ана шу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Марказий банк вилоят бошқармаси, вилоят солиқ ва божхона бошқармаси масъул ходимлари иштирок этган учрашувда қишлоқ мулкдорлари учун яратилган шароитлар, солиқ тизимидаги имтиёزلар, ажратилаётган кредит маблағлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича батафсил тушуنча ҳам берилди.

Тадбирда соҳани ривожлантиришга ҳалал бераётган айрим муаммолар ҳам атрофлича муҳокама этилиб, улар ечими хусусида туман ҳокимлиги ва бошқа тегишли идораларга тавсиялар тайёрлашга қарор қилинди.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг биринчи чорагида республикамизда яна 220 та асараричиликка ихтисослашган фермер хўжалиги иш бошлади.

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI ASR»

Айни пайтда мавжуд 346 та хўжаликда 186090 асалари оиласи парвариланмоқда. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 42 мингтага кўпдир.

Қуни кеча Ўзбекистон фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигидаги «Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган «Аса-

ларичиликда замонавий усуллар» мавзусидаги республика семинар-тренингда ана шу рақамлар тилга олинди.

Семинарда фермер хўжалиқларида асараричилик соҳасини янада ривожлантириш ҳамда соҳанинг иқтисодий имкониятларини ошириш устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди. Тадбирнинг иккинчи ярмида иштирокчилар мазкур соҳада етакчи мамлакатлар сирасига кирувчи Исроил тажрибаси билан танишдилар.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда асараричиликка алоҳида эътибор қаратилаётгани тўғрисида асал ишлаб



чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 126 фоизга ошиб, 2343,5 тоннани ташкил қилганлар ошқозон-ичак хасталиқларига деярли чалинмас эканлар.



## Тафаккур оламининг таянч нуқтаси

Ҳаёт ҳақиқати ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан, жумладан, оммавий ахборот воситаларидан ҳам турли мақсадларда фойдаланиш, уларни эзгулик ёки ёвузлик куролига айлантириш мумкинлигини исботламоқда.

Файзулло  
АБДУЛБОКИЕВ

Биз бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган шиддатли ва айна пайтда ўта мурракб бир замонда яшамокдамиз. Сиёсатчилар, тахлилчи-ю кузатувчилар бу даврни ялпи ахборотлашув асри, дея номламоқдалар. Зеро, ер юзининг қайсида қандайдан қандайдан воқеа бермасин, одамзот бир неча сониялар ичида бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида туриб хабар топмоқда. Бу эса гоёвий кураш майдонида матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг роли ошиб бораётганига яна бир мисолдир. Шундай экан, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар ва янгиликларни тўлалигича, ҳаққоний акс эттириш матбуот ходимларининг биринчи галдаги бурчи бўлиши лозим.

Афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда матбуот фақат ахборот тарқатувчи восита эмас, балки маълум бир гуруҳлар ўз қарашлари, турмуш тарзини ўзгаларга тиқиштиришга уринаётган доиралар қўлидаги энг ишончли қуролга ҳам айланиб қолди. Бу эса ахборот ҳар доим ҳам эзгуликка, бунёдкор гоёларга хизмат қилмаётганидан далолатдир. Унинг имкониятларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари учраётгани инсониятни беҳад ташвишлантирмоқда. Муайян сиёсий кучлар, уюшган жиноятчилар, террорчилар ана шу қудратли воситадан фойдаланиб, одамлар, айниқса, ёшлар онги ва қалбини «нишон»га олмақдалар. Ундан ҳимояланиш имкониятлари тобора камайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам айрим мамлакатлар ўз худудларида интернет хабарлари учун турли тўсиқ (филтрлар)ни ўйлаб топаётган бўлсалар, баъзилар миллий манфаатларга зид ахборотларга нисбатан аҳолида иммунитет ҳосил қилиш йўлини танламоқдалар.

Кези келганда бир мисолни ёдга олайлик. Халқаро ахборот технологиялари бўйича тан олинган мутахассис Гербард Шиллер 1976 йилдаёқ «Оммавий ахборот воситалари ва маданий ҳукмронлик» номли монографиясида ўз ватандошлари — америкаликларни Америка тарғибот машинасининг дунё мамлакатларига солаётган хавфидан огоҳлантириб, АҚШда оммавий ахборот воситалари ҳукумат томонидан назорат қилинмайди, деган чўпчак ёлғонли-

гини, Жимми Картернинг федерал ҳукуматида 5 мингдан ортиқ киши уни тарғиб қилиш билан шуғулланишини, ОАВ тўлалигича махсус хизматлар назорати остида эканини кенг оммага маълум қилган эди. Албатта, зарарли мафкуравий жараёнларни тақиқлаш йўли билан тўхтатиб бўлмайди. Бинобарин, бундай тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун, энг аввало, жамиятда ҳолис ва адолатли фикрни шакллантириш, бунда оммавий ахборот воситалари ходимларидан ҳушёрлик ва ҳозиржавоблик талаб этилади, албатта.

Матбуот эса миллионлар минбари, кундалик ҳаёт кўзгуси сифатида катта имкониятларга эгадир. Ана шундай имкониятдан эса ҳар доим ҳам эзгу мақсадларда фойдаланилмаяпти. Хусусан, Фарбона эгоцентризм (худбинликнинг бир кўриниши, фақат ўз манфаатларини ўйлаб яшаш) деб аталувчи яна бир «фалсафа» борки, у пировард натижада халқларнинг ўзига ҳослиги, миллий манфаатлари, азалий қадриятларига путур етказаяпти. Бунинг оқибатларини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Глобаллашувни «яҳлит дунёнинг шаклланиши, ягона йирик давлат ва халқлар ҳамжамиятининг таркиб топиш жараёни сифатида талқин қилаётган бир гуруҳ олимлар ҳам борки, улар ҳамма нарсани ўз қарчилари билан ўлчашга уринмоқдалар. Бундай «гоёвий» қарашлар инсоният манфаатларига фақат зарар келтиради, ҳолос. Таасуфки, бугунги ялпи глобаллашув жараёнлари таъсирида мамлакат ҳаётига турли хатарли гоёлар ҳам шиддат билан кириб келмоқдаки, уларнинг тузатиб бўлмас оқибатларини ҳамма ҳам бирдек ҳис қилмаяпти. Ёвуз кучлар эса, аввало, ҳар қандай жамиятнинг таянчи бўлмиш ёшларни турли воситалар, биринчи галда сўз ва фикр эркинлиги никоби остида чалғитишга, уларнинг мурғак онгига ўз мафкурасини сингдиришга уринмоқдалар. Зеро, улар бир ҳақиқатни, яъни инсоннинг қалби ва онги захарланса, кейин уни аввалги ҳолатига қайтариш осон кечмаслигини, бу муайян халқ ва миллатни қуролдиз, осонгина енгиланиш энг мақбул усули эканини яхши англашади. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Фикр қарамлиги, тафаккур қўлиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқдир».

Дарҳақиқат, шундай. Инсон маънавиятига қарши қаратилган, сиртдан арзимасдек кўринган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув жараёнларидан куч олиб, бирон-бир нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз лозим. Айрим кучлар эса матбуотдан ҳамон ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Мафкура майдонларидаги гоёвий курашларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолаётгани шу маънода ҳам бежиз таъкидланмаяпти.



Мафкуравий тажовузни амалга оширишдаги муҳим сиёсий восита бу — унинг асл моҳиятини сохталаштиришдир. Яъни турли халқаро декларацияларда қайд этилган демократия ва эркинлик, инсон ҳуқуқларини «ҳимоя» қилиш каби гоёларнинг байроқ қилиб олиниши, табиийки, бузғунчиликнинг ижтимо-

ий доирасини кенгайтиришга, унинг буюртмачиларини «беозор» инсонлар қилиб кўрсатишга, ҳатто жамоатчилик кўз ўнгига уларни оқлашга имкон беради. Йирик қорчалонлар бу борада ҳам бузғунчи сиёсий марказлар ногорасига уйнаётган ОАВ кучидан унумли фойдаланишга уринмоқдалар.

Биз бугун вақтли матбуотнинг роли ва аҳамиятига тўхталарканмиз, улар фаолиятига юрт ва миллат манфаатлари йўлида қай даражада хизмат қилаётганликлари қараб баҳо беришимиз лозим. Зеро, кўз ўнгимизда кечаётган ўзгаришларни тўғри талқин этган, воқеа-ҳодисаларни ҳолис ёритган, уларни оммага ўз вақтида етказган матбуотгина халқлар тинчлиги ҳамда барқарорлигига муносиб ҳисса қўша олади.

## Хавф ортда қолди

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги мутахассислар сайёрамиздаги энг хавфли вируслардан бири — чўчка вабоси ер юзидан бутунлай йўқолиб кетиш арафасида эканини таъкидламоқдалар. Мазкур хасталикнинг тамомила чекингани ҳақидаги ахборотни Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари ҳам тасдиқлашган. Уларнинг сўзларига кўра, инсониятга катта талофот келтирган мазкур вирус ҳозирда фақат лабораторияларда сақланмоқда, ҳолос. Ушбу хабарни фермер ва чорвадорлар қувонч билан кутиб олганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки бундан бир неча йил аввал айнан ана шу касаллик туфайли жажондаги кўплаб мамлакатларнинг қишлоқ ҳўжалиги мисли кўрилмаган даражада зарар кўрган эди.



## Лагард хоним ХВЖнинг янги ҳукмрони

Франциянинг иқтисод ва молия вазири Кристин Лагард Халқаро валюта фонди бошқарувчиси этиб тайинланди. У мазкур лавозимни эгаллаган биринчи аёлдир. Аввалбошдан ушбу лавозимга икки номзод — Лагард ва Мексика Марказий банки раиси Августин Карстенс даъвогарлик қилаётган эди. Директорлар кенгаши эса асосан



Лагард номзодини маъқул топди. Эслатиб ўтамиз: жамғарманинг собиқ етакчиси Доминик Стросс-Кан 14 май кўни Нью-Йоркдаги Sofitel меҳмонхонасида ҳибсга олиниб, орадан бир неча кун ўтгач, истеъфога чиққанди.



## Цзябао Меркель хоним билан ҳамкор

Берлинда бўлиб ўтган немис-хитой ҳукуматлараро илк учрашувида ХХР бош вазири Вэнь Цзябао бугунги кунда 140-150 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётган ўзаро савдо айланмаси ҳажмини келгуси 5 йилда икки баробар оширилишини маълум қилди. «Хитой Германияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли маҳсулотларни импорт қилишга тайёр. Бироқ бунинг учун расмий Берлин ХХРни тўлақонли иқтисодий ҳамкор сифатида тан олиши лозим» дея таъкидлади бош вазир.



## «Инфинити»дан ажойиб лойиҳа

Париж-Амстердам йўналиши бўйича қуёш энергиясида ҳаракатланувчи илк поезд қатнай бошлади. Маълумотларга қараганда, лойиҳанинг умумий қиймати 15,6 млн. еврога тенг. Поездининг ҳаракатланиши учун зарур бўлган электр токи эса Бельгия шимолидаги қуёш батареяларидан олиноқда. 50 минг кв.м. майдонга ўрнатилган 16 минг дона қуёш батареяси соатига 3,3 минг мегаватт электр энергияси ишлаб чиқара олади. Бу миқдордаги қувват мингга яқин хонадонни бир йил давомида электр токи билан таъминлашга қодир. «Инфинити» компанияси томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа яқин келажақда АҚШ ва бошқа мамлакатларда ҳам йўлга қўйилиши мумкинлиги айтиляпти.

Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

## Ов қимматга тушмоқда

Исландия ҳукумати Евроиттифоққа аъзо бўлиш учун расмий музокараларни бошлаб юборди. Маълумотларга кўра, муҳокама этилаётган 4 та масаладан иккитаси — илм-фан ва маданият соҳасида келишувларга эришилган. Аммо балиқчилик ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишларида бироз мушкулликлар юзага келиши мумкин. Сабаби ЕИ, аввало, Исландиянинг кит овлаш анъанасини қўллаб-қувватламайди. Шунингдек, балиқ овлаш меъёри бўйича ҳам ЕИ ва Исландия ўртасида катор келишмовчиликлар сақланиб қолмоқда.



**... ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

## «Korea Open»дан бир шода медаль билан

**Жанубий Кореяда каратэ бўйича ўтказилган Korea Open International Karatedo Championship мусобақасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ёш спортчиларимиз 6 та (3 олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза) медалга сазовор бўлишди.**

**Шухрат ХЎЖАЕВ,**  
«XXI ASR»

— 2002 йил Осиё ўйинларини қабул қилган Пусан шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада Корея Республикасининг барча минтақаларидан, шунингдек, жаҳоннинг 20 га яқин мамлакатларидан ташриф буюрган қарийб 500 нафар спортчи иштирок этди, — дейди Ўзбекистон Каратэ федерацияси вице-президенти Фозил Худойназаров. — Кўп сонли мезбонлар терма жамоаси билан рақобатлашишнинг ўзи бўлмайди. Шунга қарамай, гиламга чиққан 11 нафар вакилимиздан 6 нафари совринли ўринларни қўлга киритишди.

Россия, Хитой, Эрон, Гонгконг, Камерун, Япония каби мамлакатлардан келган, шунингдек, маҳаллий яққаурашчиларга муносиб қаршилиқ



кўрсатишга эришган ёш спортчиларимиз — Абдуллоҳ Расулов ва Мухаммадали Раҳматуллаев бахсларда барча рақибларини енгиб, олтин медаллар билан тақдирланган бўлсалар, Абубакир Садриддинов ката, яъни кўргазмали

чиқишларда ўз вазн тоифасида тенгсиз эканини исботлади. Финалга қадар ҳеч кимга имконият бермаган Достонбек Тоштемировга кумуш медаль насиб этди, Раҳим Бекжон-Зариф ҳамда Тоҳир Ирисалиев ката йўналишида биттадан

бронза медалларига сазовор бўлдилар. Ўз навбатида яна тўрт нафар спортчимиз бир нечта мамлакат вакилларида тузилган термалар таркибиде жамоавий ката бахсларида иштирок этиб, 4 та бронза медалини қўлга киритди.

— Спорт билан етти ёшимдан шуғулланаман. Ўтган йили Ўзбекистон чемпионатида голибликни қўлга киритганимдан сўнг Сингапурда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этдим. SMI CUP деб номланган мазкур мусобақада 3-ўринни олишга эришдим. Бу гал олтин медаль билан тақдирландим. Финалгача россиялик, корейлик ва эронлик спортчиларни енгган бўлсам, энг оғир кечган ҳал қилувчи учрашувда гонгконглик тенгдошимдан устун келдим, — дейди Абдуллоҳ Расулов. — Эндиги мақсадим Осиё ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритишдир.

Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 30 июнь-7 июль кунлари мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.



Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39, 4 июлда 37-42 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмоқда. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 16-21, кундузи 32-37, 4 июлда 35-40 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Қашқадарь ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39, 4 июлда 38-43 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 16-21, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 10-15 даража илик, кундузи 20-25, 4 июлда 23-28 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

## 109 тонналик жиноят

**Давлат божхона кўмитаси веб-сайтида маълум қилинишича, ўтган йили мамлакатимизга салкам 34 минг тонна цитрус мевалар олиб келинган. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса бу кўрсаткич 17,4 минг тоннани ташкил этган.**

**Шухрат ОХУНЖОНОВ,**  
«XXI ASR»

Ўн бешга яқин экспортёр давлатлар рўйхатида Эквадор, Покистон, Эрон ва Хитой етакчилик қилмоқда. Сир эмаски, четдан келтирилатган ҳар қандай маҳсулот валюта эвазига олиб кирилади. Ўтган йил сарҳисоби жорий йилнинг I чорағида импорт қилинган цитрус мевалар учун салкам 8,5 млн. АҚШ доллари миқдоридеги валюта сарфланганини кўрсатмоқда.

Бу, албатта, аҳолининг ана шундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда, деганидир. Аммо танганинг икки томони бўлганидек, бугун дунёда гени ўзгартирилган маҳсулотлар тури тобора кўпайиб бораётганини ҳам унутмаслигимиз лозим. Афсуски, ана шундай маҳсулотлар орасида цитрус мевалар ҳам бор. Ўтган йил якунлари ва жорий йилнинг I чорағи давомида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва-




киллари билан ҳамкорликда 150 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати салкам 307 млн. сўмлик 109 тоннадан ортиқ цитрус меваларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Маълумки, Президентимизнинг «Истеъмол товарлари импортининг божхона тарифларини тартибга солишни тақомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида цитрус мевалар учун акциз ставкаларининг белгиланиши нафақат улар импортини тар-

тибга солишга, балки ушбу меваларни маҳаллий шароитда етиштирувчиларнинг ички бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳам хисса қўшиди. Қолаверса, мазкур қарор сифат кафолатига эга бўлмаган цитрус меваларнинг олиб кирилишини бартараф этиш орқали аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ҳам хизмат қилмоқда. Айрим «тадбиркор»ларнинг ўз манфаатини қўлчилик манфаатидан устун қўяётгани эса бу борадаги муаммоларни янада орттиришга хизмат қилаяпти, холос.

## Темур Ҳакимов «аристократ»лар сафида

Uff.uz сайтдан хабар берилишича, мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоасининг истеъдодли ҳужумчиси Темур Ҳакимов фаолиятини Лондоннинг «Челси» клуби футбол академиясида давом эттириши мумкин. Россиянинг бир қатор телеканалларида терма жамоамизнинг ўйини атрофича таҳлил қилинган ва Темурнинг ўйинларини Лондоннинг «Челси» клуби мутахассислари қизиқиш билан кузатаётгани алоҳида таъкидланган. Эйтиборлиси, бир гуруҳ спорт журналистлари футболчимизнинг майдондаги ҳаракатларини «аристократ»ларнинг ажойиб ҳужумчиси Дидье Дрогбага ўхшатишмоқда. Бундан ташқари, ҳозирга қадар жамоа сардори Аббос Махситалиевга «Монако» ва «Милан» скаутлари, ярим ҳимоячиси Бобур Давлатовга эса Буюк Британиянинг яна бир номдор клуби «Тоттенхэм» қизиқиш билдирган. Агар чемпионат давомида Бобур яхши ўйин кўрсатса, «Тоттенхэм» футбол академиясига қабул қилиниши эҳтимолдан ҳоли эмас.



## Ёшларимиз кучли учликда

23-26 июнь кунлари Украинанинг Коблево шаҳрида универсал жанг бўйича 10-13 яшар ўғил-қизлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобиде учинчи ўринни эгалладилар. Хусусан, 55 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Суробиддин Норхўжаев (Тошкент вилояти) барча тенгдошлари устидан зафар кучиб, олтин медалга лойиқ топилган бўлса, 45 кг. лилар беллашувида сурхондарёлик Шаҳзод Азизов кумуш медални қўлга киритди. Пойтахтлик Шоҳижон Жумановнинг сай-ҳаракатлари эса терма жамоага «бронза» келтирди. Бундан ташқари, яна бир ёш спортчимиз Шохрўқ Қўзимуродов ташкилотчилар томонидан «Ғалабага бўлган иштиёқи» кўкрак нишонини билан тақдирланди. Шу тариқа тўрт нафар файтердан иборат терма жамоамиз 25 тадан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган мусобақада кучли учликдан ўрин олди.

## Чамадон ичидаги ўғри

Испанияда автобус юкхоналарида ўғирлик амалга оширишда айбланган кимса қўлга олинди. Agence France-Presse тарқатган хабарга кўра, жиноятчи ўта эгилувчан бўлиб, шериклари уни чамадонга солиб, автобус юкхонасига жойлаштирар эканлар. Тергов маълумотларига қараганда, 1,5 соатлик йўл давомида у чамадондан чиқиб, йўловчиларнинг қимматбаҳо нарсаларини ўмарини ва яна ўз «жойи»га қайтишга улгурган. Саёҳат ниҳоясида эса шериги уни юкхонадан олиб, кўздан гойиб бўлган.

## Эловелосипед

Industrial Design Served сайти хабарига кўра, колумбиялик Камило Пара Паласио уч гилдиракли янги велосипед ихтиро қилди. Транспорт қатнови муаммо туғдирувчи йирик шаҳарлар ва аҳоли гавжум кўчаларда ҳаракатланиш ҳамда туристларга мўлжалланган велосипеднинг аҳамиятли томони шундаки, ҳайдовчи унинг ҳажмини ўзига мос равишда катта ёки кичик қилиши мумкин. Энг муҳими, янги модел электр қувватидан ҳаракатланади. Махсус аккумулятор қуввати 7 соатга мўлжалланган. Эловелосипеднинг тезлиги соатига 50 км. гача. Айна пайтда шовқин чиқармайдиган, атроф-муҳитга умуман зарар етказмайдиган транспорт воситасига қизиқувчилар сон ортиб бормоқда.



**Мусурмон РЎЗИЕВ**  
тайёрлади

## Йодомарин®

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит йодид калия 131 мг (что соответствует 100 мг йода). Йодомарин® 200 - содержит йодид калия 262 мг (что соответствует 200 мг йода). Показания: Профилактика йоддефицитных заболеваний (для предотвращения йоддефицитных заболеваний и образования зоба у людей, проживающих в районах с дефицитом йода в окружающей среде, в первую очередь у детей, подростков, беременных и кормящих женщин). Лечение диффузного токсического зоба. Дозировка и профилактика зоба: Взрослым и детям - 50-100 мг в сутки, подростки и взрослые - 100-200 мг в сутки, беременные и кормящие грудью - 200 мг, после операции по поводу зоба или после окончания медикаментозного лечения зоба - 100-200 мг. Противопоказания: при манифестном гипертиреозе, при платонном гипертиреозе в doses, превышающих 150 мг йода в сутки, при автономной аденоме, а также функциональ и диффузных очагах автономии, щитовидной железы при применении в дозах от 300 до 1000 мг йода в сутки (за исключением радиационной йодотерапии с целью блокады щитовидной железы по Платинери), при известной повышенной чувствительности действующему веществу или одному из прочих компонентов препарата. Зоб в день. Форма выпуска: Йодомарин® - таблетки 100, 200 мг № 100 в упаковке.

Б-256-06 N 14003, 29.02.08 Б-256-06 N 19001, 29.02.08

**BERLIN - CHEMIE**  
MENARINI



Эффективный рост ваших капиталов.



АГРОБАНК — ПУРТ ОБОДЛИГА ВА ЯРАТУЧЛИКНИ ГОНАРАНИНГ МОЛЛИГИЙИ ТАЪЛИМИ